

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАНОВА ШОИРА ТЎЛҚИНОВНА

**ЎСМИРЛАРДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ КЛИНИК
НЕВРОЛОГИК ВА ВЕГЕТАТИВ ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.13- Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исанова Шоира Тўлкиновна

Ўсмирларларда метаболик синдромнинг клиник неврологик ва вегетатив ўзгаришлари 3

Исанова Шоира Тулкиновна

Клинико-неврологические и вегетативные особенности метаболического синдрома у подростков 24

Shoira Tulkinovna Isanova

Clinical, neurological and vegetative features of the metabolic syndrome in adolescents 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАНОВА ШОИРА ТЎЛҚИНОВНА

**ЎСМИРЛАРДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ КЛИНИК
НЕВРОЛОГИК ВА ВЕГЕТАТИВ ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.13- Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1045 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаева Наргиза Нурмаатовна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Туруспекова Сауле Тлеубергеновна тиббиёт фанлари доктори., профессор Хайдарова Дилдора Кадировна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___»_____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро ш, А.Навой кўчаси, 1 Тел/факс: (99865) 223-00-50, e-mail: buhmi@mail..ru).

Диссертация иши билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:200118, Бухоро ш, А.Навой кўчаси, 1 Тел/факс: (99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «___»_____ да тарқатилди.
(2021 йил «___»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т.Ходжиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

С.С.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори
(DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациянинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда катта ёшдагиларнинг 1,9 млрд. дан кўпроғида ортиқча вазн аниқланиб, улардан 650 млн. да эса семизлик тасдиқланган. ЖССТ маълумотларига кўра, «...ортиқча тана вазни 2016 йилга келиб, 5-19 ёшли ўсмирларда 340 млн., қизларда 18% ва ўғил болаларда 19% ташкил қилган»¹. Ортиқча вазн 2009-2012 йиллари NHANES АҚШ нинг 12-19 ёшли ўсмирлар ўртасида эса ўғил болаларда 20% ва қиз болаларда эса 18,9% аниқланган. Европада болалар ва ўсмирларнинг 20% ортиқча вазнга эга бўлиб, уларнинг учдан бир қисмида эса семизлик аниқланиб, олинган маълумотларга кўра 30-50% ўсмирларда катта бўлганда ҳам ортиқча вазн сақланиши аниқланган.

Ҳозирга қадар метаболик синдромнинг ақлий ўзгаришлар ривожланишининг сабаблари ва механизмларини аниқлаш, мнестик-интеллектуал бузилишларнинг олдини олиш, шунингдек даволашдаги патогенетик асосланган усулларни қўлланилиши мунозарали мавзулардан бўлиб, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва етарли даво тадбирларини ўз вақтида олиб бориш, эрта ташҳислаш заруратлилигини кўрсатади.

Бутун жаҳонда бугунги кунга келиб метаболик синдромнинг ривожланиш механизмлари, айниқса темир алмашинуви билан боғлиқлигини ўрганиш замонавий тиббиётда алоҳида қизиқиш уйғотди. Бир вақтнинг ўзида икки турли, яъни семизлик ва камқонлик каби касалликнинг бир беморда учраши тасодифий ҳолат деб ҳисобланилмайди. Қон зардобидаги темир алмашинуви кўрсаткичи ферритин миқдорининг ёғ миқдорини ошиши билан нотўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланиб, ферритин кўрсаткичининг пасайиши болаларда нерв тизимининг зарарланишини ёмон прогностик омили сифатида қаралиши кўрсатилган. Темир танқислигининг семизлик билан боғлиқлиги охиригача ўрганилмаган бўлиб, бунда ривожланадиган метаболик синдром ҳолатидаги ақлий бузилишларнинг ривожланишини, келиб чиқиш механизмларини ўрганиш, эрта ташҳислаш ва олдини олиш ўсмирларда углевод алмашинуви бузилишларининг клиник давригача аниқлаш ва таҳлил қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликларнинг хавф омиллари, уларнинг олди олинishi ва назорат қилиниши, аҳолини вақтидан олдинги ўлимини ва касалланишини пасайтиришга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, бирламчи бўғин тиббиёт муассасалари ҳамда тез тиббий ёрдамнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»² вазифалари белгиланган.

¹ ЖССТ – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, 2018

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 18 декабр №ПП-4063 қарорининг 1-иловасидаги концепциясига мувофиқ, ҳамда юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзи ва аҳолининг жисмоний активлигининг даражасини оширишни бошқариш ва ташкил қилиш механизмларини ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 7 декабрдаги №ПФ-5590 «Ўзбекистон Республикасини соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар» қарорига биноан 2018 йил 18 декабрдаги №ПҚ-4063 Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини 1-иловасида 2019-2022 йилларга ноинфекцион касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзи ва аҳолининг жисмоний активлигининг даражасини оширишга қаратилган концепцияси ва 2-иловасига биноан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастуридаги белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши ва амалиётга киритилишида ушбу илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишини VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсмирлардаги семизликда ривожланадиган неврологик ва вегетатив ўзгаришлар, айниқса темир танқислиги ривожланиш хавфи ортиқча тана вазнига эга бўлган ўсмирларда юқорилиги кўпгина мутахасисларда катта қизиқиш уйғотди. Метаболик ўзгаришларда ривожланадиган диққат ва фикрлаш жараёнининг бузилишлари инсон ҳаёт сифати кўрсаткичини пасайтириб, ҳатто деменция ва ижтимоий мослашувнинг бузилишларига ҳам олиб келиши мумкин.

Ахмедова Р.М.(2015) гиппокампадаги инсулинга бўлган резистентликнинг когнитив ўзгаришларга бўлган таъсирини ўрганган. Семизлик аниқланган беморлардаги нейро-психологик тест натижаларининг паст кўрсаткичлар билан боғлиқлигини Филина Н.Ю. (2012) томонидан таъкидланган. Hamalainen A. (2012) метаболик синдромдаги патофизиологик ўзгаришларнинг қон зардобадаги ферритин миқдори билан боғлиқлигини кузатган.

Наугольхин Ю.В. (2011) ўтказган тадқиқотларига кўра, метаболик синдромга барча когнитив бузилишлар хос бўлиб, ушбу ҳолатда асосан қисқа муддатли эшитиш - нутқ хотирасининг бузилишини кузатишган.

Ҳозирга қадар метаболик синдром аниқланган беморларда диққат бузилишларнинг ривожланишини олдини олишга қаратилган оптимал ёндошувлар ишлаб чиқилмаган. Темир танқислиги фонида ривожланган метаболик синдром ривожланиш частотаси, ақлий фаолиятининг бузилишларининг ривожланиш механизмларини ўрганиш, семизлик аниқланган ўсмирларда касалликнинг клиник давригача бўлган углевод алмашинуви бузилишларини, ўсиб бораётган ақлий етишмовчилигини эрта ташхислаш ва олдини олиш замонавий неврологиянинг долзарб муаммосига айланиб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №011400196 «Юрак қон-томир тизими касалликларида неврологик бузилишлар ривожланишини асосий патогенетик механизмларини ўрганиш. Клиникаси, ташхислаш, мажмуавий даволаш ва олдини олиш масалалари» лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Ўсмирларда метаболик синдромдаги клиник - неврологик ва вегетатив ўзгаришларни аниқлашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсмирларда метаболик синдромнинг ўзига хос клиник-неврологик ва вегетатив ўзгаришларининг хусусиятларини аниқлаш;

ўсмирларда метаболик синдромдаги диққат турғунлиги ва унга боғлиқ ҳолда ривожланадиган нейрофизиологик ўзгаришларни баҳолаш;

ўсмирларда семизликнинг метаболик актив ва метаболик ноактив турларидаги когнитив бузилишларининг ферритин миқдори билан боғлиқ корреляцияси ва унинг прогностик аҳамиятини таҳлил қилиш;

ўсмирларда метаболик ўзгаришларнинг самарали, замонавий ва комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш ва ушбу патологияда

ривожланадиган неврологик ва диққат бузилишларининг даражасини аниқлаш мезонлари сифатида қўлланилиши мумкин бўлган ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси болалар ва болалар неврологияси бўлимларида стационар даволанган ва вилоят эндокринология диспансеридаги болалар эндокринологига ортиқча тана вазни билан амбулатор мурожаат қилиб келган ўсмирлар, тана вазни меъёрда бўлган шаҳар 29-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қон зардоби, углевод ва липид алвашинуви кўрсаткичлари, ферритин кўрсаткичлари, нейровизуализацион ва доплерографик текширувлар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари бўлиб, клиник неврологик кўрик, махсус сўровномалар (Вейн, Шульте) ва синама (Данъини-Ашнер синамаси) ёрдамида баҳолаш, параклиник текширувлар (ЭЭГ, ТКДГ) ва статистик ишлов бериш аналитик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирлардаги метаболик синдромнинг клиник-неврологик ва вегетатив ўзгаришларига бўлган таъсирини нейрофизиологик, инструментал, клиник-лаборатор ва когнитив бузилишларни ташхислашдаги ўрни баҳоланган;

ўсмирлардаги метаболик синдромдаги метаболик актив ва метаболик ноактив семизликда кузатиладиган неврологик ўзгаришларнинг функционал ҳолати баҳоланилди ва таққосланган;

ўсмирлардаги метаболик ўзгаришларга ҳамроҳ кузатиладиган ферритин алмашинуви бузилиши ва когнитив ўзгаришларнинг нотўғри пропорционал боғлиқлигининг аҳамияти кўрсатилган;

ўсмирлардаги метаболик ўзгаришларда ривожланадиган когнитив ва вегетатив ўзгаришларни коррекциялашда антиоксидант терапия ва транскраниал магнитстимуляция самарадорлиги аниқланган;

ўсмирларда семизликдаги метаболик ўзгаришларда ривожланадиган неврологик ва диққат бузилишлари даражасини аниқлашда ва ушбу патологиянинг ташхислаш мезонлари сифатида қўлланилиши мумкин бўлган ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўсмирлардаги метаболик синдромда кузатиладиган неврологик, вегетатив ва когнитив бузилишлар профилактикаси мақсадида қўлланиладиган ушбу ўзгаришлар патогенетик ривожланишининг таҳлили, даволаш усуллари натижалари таҳлилларидан иборат;

метаболик ўзгаришларнинг асоратларини прогностик таҳлилида қон зардобидаги ферритин миқдорининг кўрсаткичини неврологик дефицитнинг қўшимча омили сифатида қаралиши аҳамиятли бўлиб, даволаш жараёнида ушбу усул амалиётда ташхислашни тезлаштириб, иқтисодий харажатларни камайтириш имконини берган;

касалликнинг ривожланиш омилларини таҳлил қилиш натижаларига кўра тадқиқот давомида олинган натижаларнинг амалий аҳамиятлилигига

асосланилиб, болалар неврологлари, педиатрлар, эндокринологлар ва умумий амалий шифокорлар томонидан қўлланилиш мақсадида таклиф этилган диққат бузилишларини эрта ташҳислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув, текшириш методикаларини тўғрилиги, тадқиқотда иштирок этган беморлар сонининг етарлилиги, замонавий ўзаро бир- бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи клиник-неврологик, вегетатив, нейрофизиологик, нейропсихологик синама ҳамда, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ўсмирларда метаболик синдромдаги неврологик ва вегетатив ўзгаришларнинг хусусиятларининг баҳоланишини такомиллаштиришда қўлланилган ушбу тартиб халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган бўлиб, хулоса ва олинган натижалар таҳлили ваколатли тузилмалар томонидан ўрганилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ўсмирларда метаболик синдромдаги кузатиладиган неврологик, вегетатив ва когнитив бузилишлар ривожланишининг асл патогенетик механизмларини ёритиш, қўлланилган даво усуллари натижаларининг таҳлили, ўсмирларда метаболик ўзгаришлардаги неврологик ва диққат бузилишларини олдини олиш ва даволаш йўналишларини оптималлаштириш, касалликнинг оқибатларини башоратлашда нафақат метаболик ўзгаришлар, балки қон зардобдаги ферритин миқдори кўрсаткичини аҳамиятлилиги неврологик ўзгаришларни даволаш мақсадида ушбу усулларнинг амалиётда қўлланилишини такомиллаштириш ва даволашга кетадиган иқтисодий ҳаражатларни камайтиришга қаратилган имконият таклиф этилишини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот давомида олинган натижалар таҳлилининг амалий аҳамияти болалар неврологи, педиатр, эндокринолог ва умумамалиёт шифокорлари амалиётда қўллаш учун қўлай бўлган диққат бузилишларини эрта ташҳислаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, бу метаболик ўзгаришларнинг асоратларини эрта ташҳислаш, таклиф этилган такомиллаштирилган даволаш муолажаларини тавсия қилиш ва касалликнинг эрта босқичларда келиб чиқадиган асоратларини олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмирларда метаболик ўзгаришлар натижасида кузатиладиган клиник-неврологик, вегетатив ва когнитив ўзгаришларни баҳолаш ва тасдиқлашни такомиллаштириш йўлида олинган илмий тадқиқот натижалари асосида;

ўсмирларда семизликдаги неврологик ва вегетатив ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ва ташҳислашга асосланган илмий тадқиқот натижаларига таянган ҳолда «Ўсмирларда семизликдаги вегетатив ўзгаришларни аниқлаш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 мартдаги 8 н-р/267 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома умумий амалиёт шифокорлари, эндокринолог ва болалар неврологларига мос бўлган

объектив ва субъектив неврологик, вегетатив ўзгаришларни ўз вақтида ташҳислаш, шунингдек, уларни тўғри йўналтириш, ҳамда тўғри даволаш йўналишини танлаш имконини берган;

Ўсмирларда метаболик ўзгаришлардаги неврологик ва нейро-психологик ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ва ташҳислаш алгоритми асосида олинган илмий тадқиқот натижаларига таянган ҳолда «Ўсмирларда метаболик синдромни нейро-психологик ташҳислаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8 н-р/256 сон маълумотномаси). Бунга асосан субъектив ва объектив неврологик, нейро-психологик ўзгаришларни ташҳислаш ва баҳолаш, шунингдек когнитив ўзгаришлар ўз вақтида ўрганилиб, тўғри даволаш йўналишини танлаш имконини берган.

Ўсмирларда метаболик синдромдаги клиник - неврологик ,вегетатив ва руҳий ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш мақсадида олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-клиникаси ва Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббий марказининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий тадқиқот натижаларини амалиётга киритилиши бўйича берилган 2021 йил 07 августдаги 8-н-з/276 сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўсмирлардаги семизликда олиб бориш алгоритми, унинг асоратларини коррекциялашда қабул қилинадиган доривор воситаларнинг миқдорини камайтириш, ҳамда беморларнинг деспансиризация вақтини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари буйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий ишлар натижалари чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан 3 та республика ва 2 та хорижий журналлар, 1 та скопус, яқин ва узоқ хориж мамлакатларида 3 та мақола, илмий конференцияларда 6 та тезис, ҳамда 2 та услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ушбу диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган бўлиб, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баёнида олинган натижалар таҳлилининг ишончлилигига асосланилган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг ёритилган бўлиб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Ўсмирларда метаболик синдромни клиник неврологик ва вегетатив ўзгаришлари**» метаболик синдромнинг этиопатогенези, клиник-неврологик ифодаланилиши, неврологик, вегетатив ва когнитив бузилишларини ташҳислаш ва даволашда фойдаланиладиган тамойиллар ҳақидаги замонавий тасаввурлар таҳлили кўрсатилган адабиётлар шарҳи берилган. Ушбу бобда муаммо долзарблигига асосланилган ҳолда адабиёт материаллари умумлаштирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот материаллари, методологияси ва усуллари**» режалаштирилган 4 босқич асосида тузилган дизайнида ушбу муаммони ташҳисланишидаги самарали натижани таъминловчи услубий ёндашув ва методлар берилган.

I босқичда 9-17 ёшдаги болалар эндокринологуга мурожаат қилиб келган 140 нафар ортиқча тана вазли ва Самарқанд шаҳар №29 ўрта мактабда ўтказилган навбатдаги даврий профилактик кўрик вақтида тана вазни меъёрида бўлган 40 нафар ўсмирлар четлаш ва саралаш мезонларига асосланилган ҳолда ажратиб олинди. Барча ўсмирларда антропометрик: тана вазни, бўй узунлиги, бел айланаси, сон айланаси текширувлари ўтказилган.

Ўтказилган антропометрия натижаларининг таҳлиliga кўра семизлик даражалари бўйича I даражали семизлик 46та(53,49%), II даражали семизлик 36 та (41,86%) ва III даражали семизлик эса 4 (4,65%) ҳолатда аниқланган.

Гуруҳлардаги ўсмирларнинг ёши бўйича тақсимланиши (UNFPA, 2020й) асосий гуруҳда эрта ўсмирлик давридаги болалар 80та (57,1%), кеч ўсмирлик давридаги ўсмирлар эса 60(42,9%)та нисбатларда бўлган.

Тадқиқот иштирокчиларининг асосий гуруҳида (АГ) гендер тақсимотига кўра қизлар 68 та (48,5%) ва ўғиллар 72 та (51,5%) кўрсаткичлари билан ўғил болалар сони устунлик қилди. Назорат гуруҳида эса 52% ва 48% кўрсаткичларида ифодаланиб, бу ерда ҳам ўғил ўсмирлар сони 4% фарк билан кўпроқ бўлган.

Тадқиқотда иштирок этувчи ўсмирлардан олинган липидограмма кўрсаткичларининг натижалари таҳлиliga кўра метаболик ноактив (МН) 86 (61,4%) ва метаболик актив (МА) 54 (38,6%) семизлик аниқланди. МА гуруҳимизни яна 2 кичик гуруҳларга: метаболик синдром (МС- мезонларига асосан, абдоминал семизлик (АС) ва 2 та меъерий кўрсаткичлардан чекинган)

ва метаболик хавф гуруҳларига (МХ – АС ва битта меъёрий кўрсаткичлардан чекиниш) бўлди. МА гуруҳида 21 (41,18%) МС ва 33та (58,82%) ҳолатда МХ аниқланган.

II босқичдаги барча ўсмирларда неврологик (анамнез, клиник неврологик) кўрик, вегетатив нерв тизими: дастлабки вегетатив ҳолат (ДВХ, Вейн сўрвномаси), вегетатив реактивлик (ВР, Данъини-Ашнер рефлекс); диққат турғунлиги (Шульте жадвали), эндокринолог, педиатр кўрикларидан ўтказилди; лаборатор текширувлардан умумий қон таҳлили, қондаги инсулин, глюкоза, липидограмма, қон зардобдаги ферритин миқдори аниқланди; артериал босим мониторинги, пулси текширилган. Нейрофизиологик текширувлардан ЭЭГ, УТДГ ўтказилган.

Иккала гуруҳ ўсмирларининг анамнестик маълумотлари ўрганилганда наслий омил сифатида ота-онасида семизлик бор йўқлиги кўриб чиқилган. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги ўсмирларда фақат онасида семизлик учраши АГнинг МС гуруҳида 11 (52,38,66%), МХ 19 (57,58%) ва МН гуруҳида эса 45 (52,32%) эди. НГда эса бу кўрсаткич 17,5% кузатилган. Иккала ота-онасида ҳам семизлик учраши АГ нинг МС, МХ ва МН ҳамда НГ гуруҳларида 8(38,09%), 10(30,33%), 23 (26,74%) ва 2 (5%) нисбатда бўлган. Фақат отасида ушбу омилнинг кузатилиши НГда 9 (22,5%), МС гуруҳида 2 (9,52%), МХ гуруҳида 4 (12,12%) ва МН гуруҳ ўсмирларида эса 18 (20,93%). Метаболик ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омил сифатида фақатгина отасида семизлик учраш омили НГда 22,5% билан бошқа гуруҳлардан устунлик қилди ва ушбу омилнинг касалликнинг ривожланишида таъсири кам деб хулоса қилинган. Олинган натижалардан фақат онасида семизлик учраши касалликнинг келтириб чиқарувчи омил сифатида бошқа кўрсаткичлардан, айниқса МХ гуруҳи ўсмирларида 57,58% устунлик қилди ва ушбу омилнинг асосий касаллик келиб чиқишида мойиллик сифатида баҳоланилиши чет эл муаллифлари томонидан қилинган ишлар натижаларига мос келганлигини кўрилган. Юқорида келтирилган йиғилган анамнестик маълумотларимиз хориж адабиётларида берилган сонларга яқинлигига амин бўлинган.

III босқичда тадқиқотда иштирок этувчи барча ўсмирларнинг қон зардобдаги ферритин миқдори аниқланиб, олинган натижаларнинг гуруҳлараро солиштирма таҳлили ўтказилган.

IV босқичда назоратда бўлган ўсмирларни 2 гуруҳга бўлди. А гуруҳига бир ой давомида мексиприм 0,125 мг (1 таблеткадан 2 марта кунига, бир ой мобайнида), Феррум-лек 400 мг (бир ой мобайнида кунига 2 марта, икки ой давомида 1 та таблеткадан бир маҳал буюрилди) ва транскраниал магнит стимуляцияси (5 кун бир ҳафтада, бир ойдан сўнг яна бир курс такрорланилди), асосий терапия (эндокринолог тавсиялари: диетотерапия, ЛФК, метаболик коррекция) даво комплексларини қабул қилган 45та ўсмирлар киритилди. Б гуруҳга асосий даво (эндокринолог тавсиялари: диетотерапия, ЛФК, метаболик коррекция) терапияси усулини қабул қилган 45 нафар беморлар киритилган.

Олинган маълумотлар дастурлаш бўйича Pentium-4 персонал компютерида статистик вазифалар библиотекасидан фойдаланилган ҳолда EXCEL пакетида ишлаб чиқилган. Ўртача ҳажм фарқи $P < 0,05$ кўрсаткичи даражасида ишончли ҳисобланган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Ортиқча тана вазнли ўсмирларда клиник-неврологик ва нейропсихологик ҳолати**» семизлик аниқланган ўсмирларни клиник тавсифининг таҳлил материаллари берилган.

Тадқиқотга ўсмирлар албатта ота-оналари ва ўқитувчиларининг розилигидан сўнггина олинган. Иккала гуруҳдаги ўсмирларнинг асосан онаси ва ўсмирларнинг сўзидан олинган шикоятлар таҳлиliga кўра АГ гуруҳимиз ўсмирларида даврий бош оғриқ МС 8 (38,09%), МХ 9 (27,27%) ва МН гуруҳларида 21 (24,42%), ҳамда НГ да эса 2 (5%) кузатилган. Тизимли бўлмаган бош айланиши ушбу гуруҳларда 6 (28,57%), 14 (42,42%), 35 (40,69%) ва 4 (10%) нисбатларда намоён бўлган. Барча гуруҳлардаги болаларда хотиранинг пасайиши МС ва МХ гуруҳларида 13 (61,90%) ва 21 (63,64%), МН 44 (51,16%) ва НГ ларида 7(17,5%) аниқланган. Совуқ иссиқга чидамсизлик шикояти гуруҳларда 14 (42,42%), 21 (63,64%), 31 (36,04) ва 5 (12,5%) ҳолатларда кузатилган. МС гуруҳида юрак уриши хисси ва диққат бузилиши 19 (90,48%) ва 16 (76,19), МХ гуруҳида 17 (51,52%) ва 26 (78,79%), МН гуруҳида эса 78 (90,69%) ва 49 (56,97%) нисбатларда намоён бўлган. НГ даги ўсмирларида эса 2 (5%) ва 9 (17,25%) кўрсатган. Юқоридаги ўтказилган йиғилган шикоятлар таҳлилидан кўриниб турибдики, асосий гуруҳнинг МС ва МХ гуруҳ ўсмирларида барча шикоятлар, айниқса ВАТ зўриқишини таъкидловчи ва диққат бузилишлари шикоятлари бошқа гуруҳлардан кўринарли даражада 3-4 баробар кўп учраган.

Барча ўсмирларда антропометрик кўрсаткичлар ва АБ ҳолати ўрганилган. Текширилувчиларнинг ўртача бўйи $160,5 \pm 1,61$ см, оғирлиги эса $77,51 \pm 2,81$ кг. Бел айланаси ўғилларда $106,1 \pm 1,48$ см, қиз болаларда эса $95,11 \pm 2,32$ см, БА/Бола нисбати эса $1,0 \pm 0,02$ см ва $0,89 \pm 0,01$ см ташкил қилган. АБ даражаси ўрганилганда САБ $139,5 \pm 1,9$ мм.с.у. ва ДАБ $89,07 \pm 1,01$ мм.с.у. кўрсатган.

Барча ўсмирларда клиник-неврологик кўрик натижаларида олинган маълумотларга кўра иккала гуруҳ иштирокчиларида ҳам аниқ учоқли симптоматика аниқланмаган.

Олинган натижаларга асосан АГ ўсмирларда бош мия нервларини фаолияти баҳоланилганида енгил бурун-лаб бурмасининг ассимметрияси (VII жуфт нервнинг марказий фалажи) МС гуруҳида 7 (33,33%), МХ гуруҳида 4 (12,12%) ва МН гуруҳида эса 9 (10,46%)да аниқланди. НГ да ушбу белги 2 (5%)да бўлган. Нистагмоид МС, МХ ва МН гуруҳларида 6 (28,57%), 4 (12,12%) ва 8 (9,30%) нисбатда аниқланиб, НГ гуруҳда эса кузатилмаган.

Ҳаракат тизими текширилганда мушаклар тонусининг пастлиги АГнинг МС да 8 (38,09%), МХ 12 (36,36%), МН гуруҳида эса 39 (45,35%) намоён бўлди. НГда умумий мушаклар тонусининг пасайиши 5 (12,5%) ўсмирларда юзага чиққан. Пай рефлекслари жонланганлиги 17,86% АГ да ва 5% НГда кузатилган. Шундай қилиб, иккала гуруҳда ҳам ҳаракат тизимида кўпол

Ўзгаришлар, тарқоқ микросимптоматик ўзгаришлар АГнинг МС кичик гуруҳ ўсмирларида устунлик қилди ва ушбу олинган натижалар метаболик ўзгаришларнинг МАТга бўлган таъсирини таъкидлаган.

Вегетатив нерв тизимининг ҳолатини ўрганиш учун дастлабки вегетатив ҳолатни Вейн сўровномаси асосида олинган натижаларга таянган ҳолда барча гуруҳ вакилларида баҳоланган (1-жадвал).

1-жадвал

Гуруҳлараро дастлабки вегетатив ҳолатни солиштирма таҳлили

	АГ (n=140)				НГ n=40
	МС, n=21	МХ, n=33	МН, n=86	n=140	
Нормостеник	1 / 4,76	6 / 18,18	12 / 13,95	19 / 16,43	13 / 32,5
Симпатикотоник	19 / 90,48	25 / 75,76	59 / 68,60	103 / 73,57	12 / 30,0
Ваготоник	1 / 4,76	2 / 6,06	15 / 17,45	18 / 10,0	15 / 37,5
Жами	21 / 100	33 / 100	86 / 100	180 / 100	40 / 100

Изоҳ: суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) сонлар келтирилган; * - гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Натижалар таҳлиliga кўра ДВХ нормостеник, симпатикотоник ва ваготониклар МС гуруҳида 4,76%, 90,48% ва 4,76% эди. Ушбу кўрсаткичлар МХ гуруҳида эса 18,18%, 75,76% ва 6,06%, МН гуруҳида 13,95%, 68,60% ва 17,45% нисбатда намоён бўлди. НГ болаларида ДВХ баҳоланилганда нормостеник 32,5%, симпатикотоник 30% ва ваготоник эса 37,5% ҳолатларда аниқланди. АГда 16,43% нормостеник, 73,57% симпатикотония ва 10% ваготония кузатилди. Вейн сўровномаси натижаларига асосланилган ҳолда олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, АГ ўсмирларининг айниқса МС гуруҳ ўсмирларида симпатикотоник кўрсаткичлар 90,48% билан устунлик қилди ва метаболик ўзгаришларга хос симпатикотония устунлиги кўрсатилган бошқа муаллифлар адабиётлари шарҳи билан тўғри келди. НГ ўсмирларида эса учала кўрсаткичлар бироз фарқ билан деярли тенг эди.

Барча ўсмирларда ВАТнинг фаолиятини баҳолаш мақсадида вегетатив реактивликни кўз юрак рефлекси Даньини-Ашнер синамаси ёрдамида ўтказилди ва олинган натижалар гуруҳлараро солиштирилган (2-жадвал).


2-жадвал

Гуруҳларо вегетатив реактивлик натижаларининг солиштирма таҳлили

	АГ, n=140			АГ, n=140	НГ, n=40
	МС, n=21	МХ, n=33	МН, n=86		
Меъёрий реактивлик	2 / 9,53	8 / 24,24	26 / 30,23	14 / 10,0*	18 / 45,0
Ортиқча реактивлик	1 / 4,76	2 / 6,06	1 / 1,16	9 / 6,43*	13 / 32,5
Ареактивлик	1 / 4,76	1 / 3,03	20 / 23,26	18 / 12,86*	1 / 2,5
Тескари реактивлик	17 / 80,95	22 / 66,67	39 / 45,35	99 / 70,71*	8 / 20,0
Жами	21 / 100	33 / 100	86 / 100	140 / 100	40 / 100

Изоҳ: суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар; * - гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Даньини Ашнер синамаси ёрдамида ўтказилган синамалар натижалари таҳлиliga кўра тескари таъсирчанлик жавоб реакцияси МС гуруҳида 17(80.95%), МХ гуруҳида 2 (6.06%), МС ва МН ларда эса 1 (4.76%) ва 1 (1,16%) нисбатларда эди. Вегетатив реактивликнинг ареактивлик жавоб реакцияси МС, МХ, МН ва НГ гуруҳларида 1 (4,76%), 1 (3,03%), 20 (23.26%) ва 1 (2,5 %) бўлган. Тескари таъсирчанлик жавоб реакцияси эса МС гуруҳида 17 (80.95%), МХ гуруҳида 22 (66.67%), МНда 39 (45.35%) ва НГ да 8(20%) ҳолатларда кузатилган. Юқорида келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, МС гуруҳидаги ўсмирларда тескари таъсирчанлик 17 (80.95%) билан бошқа кўрсаткичлардан устунлик қилган ва ушбу гуруҳ болаларида симпатик нерв тизимининг устунлигини яна бир марта тасдиқлаган. Назорат гуруҳида эса меъёрий реактивлик 18 (45%) ўсмирларда намоён бўлган.



1-расм. Гуруҳларо нейрпсихологик ҳолатнинг солиштирма таҳлили

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ ўсмирларида биринчи вазифани бажариш вақтининг ўзайиши 27 та ҳолатда, кўпол хатолик, яъни санокда адашиши билан (8 та) ва кўпол бўлмаган, яъни рангдаги хатолик 10 нафар ўсмирларда аниқланди. Ўртача бажарилиш вақти $67,39 + 2,85$ сонияга тенг бўлган. Иккинчи марта вазифа бажарилганда 8 та болада диққат турғунлиги сақланган. Диққатнинг бироз пасайиши 3 та болада кузатилиб, улардан биттаси биринчи вазифани яхши бажарган. Диққатнинг етарлича (ифодаланган) даражада ўзгариши билан биргаликда кўпол (санокда адашиши 9 киши) ва кўпол бўлмаган (рангда адашиши 11 киши) хатолик аниқланган. Иккинчи вазифани ўртача бажариш вақти $72,39 + 3,42$ сонияни ҳосил қилган. Кўришиб турибдики, вазифани бажаришни ёмонлашуви аниқ кўзга ташланадиган вақт ўзайиши, шунингдек кўпол хатоларни кўпайиши вазифани бажариш вақтининг охирида кузатилган. Ўтказилган синама ёрдамида олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики,

МС ва МХ гуруҳи ўсмирларида диққатнинг ифодаланган даражада бузилиши хос бўлиб, метаболик ўзгаришларни коррекциясида албатта аҳамиятга олиниши шартдир.

Нейрофизиологик текширишлардан ўтказилган электроэнцефалография натижалари таҳлиliga кўра асосий гуруҳда паракилик текширишлардан ўтказилган ЭЭГ натижалари таҳлил қилинганда текширилувчиларнинг асосий қисмида α -тўлқинли активлик фонида ифодаланган бош мия пўстлоғининг биоэлектрик активлигини дезорганизацияси аниқланган. Ўсмирларда α -ритм амплитудасининг частотаси ва модуляцияси 91 (65%) болада аниқ бўлмаган. Гуруҳдаги болаларнинг 88 (62,86%) β -ритм юқори амплитудали хусусиятга эга бўлган. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ болаларини деярли аксариятида асосий пўстлок ритмининг десинхронизациялашганлигига амин бўлинган ва гуруҳлараро олинган натижаларни Жирмунской Е.А. таснифига (1984 й) биноан таҳлил қилинган (3-жадвал).

3-жадвал

Гуруҳларо электроэнцефалография натижаларининг солиштирма таҳлили

ЭЭГ натижалари	АГ (n=140)			n=140	НГ n=40
	МС, n=21	МХ, n=33	МН, n=86		
I тип (меъёрий)	1 / 4,76	3 / 9,09	13 / 15,12	17 / 12,14	35 / 87,75
II тип (гиперсинхрон)	3 / 14,28	10 / 30,30	26 / 30,23	39 / 27,86	4 / 10,0
III тип (десинхрон)	15 / 71,43	19 / 57,58	44 / 51,16	78 / 55,71	1 / 2,25
IV тип (дезорганизациялашган, α -ритмнинг устунлиги билан)	2 / 9,53	1 / 3,03	3 / 3,49	6 / 4,29	-
V тип (дезорганизациялашган, δ и θ -ритмларининг устунлиги билан)	-	-	-	-	-

Изоҳ: суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар; * - гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, АГ ўсмирларида асосан 3-тур ЭЭГ натижаларига хос ўзгаришлар аниқланиб, бу барча тўлқинларнинг десинхронизацияси билан ифодаланган. Текширув натижасида олинган кўрсаткичлар метаболик ўзгаришларнинг марказий асаб тизимига таъсири ўрганилганида нейрофизиологик текширувлар қаторида ЭЭГ текширувини албатта ташхислаш мезонлари қаторига киритилиши шарт бўлган ҳолатлигига амин бўлинган.

Ўсмирларда ўтказилган бош мия интракраниал қон томирларининг периферик қаршилиги индекси ва қон оқими тезлигини аниқлаш натижалар

тахлилига кўра ўсмирлардаги семизлик даражалари ва метаболик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган. Олинган натижалар таҳлилига кўра айниқса метаболик ўзгаришлар аниқланган ўсмирларида қон оқимини систолик тезлигини ўсиши кузатилиб, ўрта мия артериясидан олинган кўрсаткичлар баландроқ бўлган (4-жадвал).

Периферик қаршилик кўрсаткичларида P_i ва R_i индексларини ушбу қон томирларда ошганлиги кўрилган. АГ ўсмирларида P_i и R_i индекси ўнг ўрта мия артериясида баландроқ бўлган. НГ ўсмирларида Линдегард индекси эса натижаларига кўра паст кўрсаткичлар олинган. АГда интракраниал томирлардаги қон оқими тезлиги ўрганилганда ўрта мия артериясидаги гиперперфузияси ва пик систолик оқими тезлиги баландлиги аниқланган.

4-жадвал

Гуруҳлараро бош мия қон томирларининг ультратовушли доплерографияси

Кўраткичлар	Асосий гуруҳ			Назорат гуруҳи $n=40$
	МС $n=21$	МХ $n=33$	МН $n=86$	
Олдинги мия артерия	73,50±4,12	73,00±3,30	73,00±3,21	73,00±2,28
V_s	36,00±1,12	33,00±1,26	33,00±1,45	32,00±1,12
V_d	49,50±3,14	47,00±2,78	47,00±3,42	45,50±2,95
V_m	0,75±0,06**	0,81±0,08	0,81±0,09	0,87±0,08
P_i				
Ўнг ўрта мия артерияси	120,00±8,13	102,00±7,23	102,00±6,68	105,00±7,94
V_s	60,50±4,23	50,00±3,98	50,00±4,45	49,50±5,02
V_d	81,50±3,54	71,00±4,12	71,00±3,32	69,00±3,64
V_m	0,73±0,08	0,75±0,06	0,75±0,09	0,78±0,11
P_i	1,27±0,13	1,14±0,09	1,14±0,11	1,18±0,08
Чап ўрта мия артерияси	121,00±9,12	114,00±8,98	102,00±7,82	108,00±9,81
V_s	61,50±5,12	59,00±3,87	50,00±4,56	47,50±3,38
V_d	83,50±3,12	80,00±2,99*	71,00±3,17	68,00±3,61
V_m	0,81±0,07	0,69±0,09*	0,75±0,12	0,83±0,08
P_i	1,30±0,09	1,23±0,15	1,14±0,08	1,21±0,15
Тўғри веноз синусда қон оқими тезлигининг кўрсаткичлари				
V_s	44,00±2,13	33,00±2,05	27,00±3,02	27,00±3,65
V_d	31,50±3,11	26,00±2,98	23,00±2,12	23,00±2,26
V_m	36,50±3,75	29,00±3,08*	25,00±2,87	25,00±2,96

Изоҳ: * - гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p<0,05$).

Қон зардобдаги темир алмашинуви кўрсаткичи ҳисобланмиш ферритин миқдори барча гуруҳ иштирокчиларида ўрганилганда асосий

метаболик актив МХ гуруҳида ферритин ўртача 37,5 мкмоль/л, МС гуруҳ ўсмирларида эса ушбу кўрсаткич яна паст кўрсаткичлар: 25,2 мкмоль/л ни кўрсатди (5-жадвал).

Олинган қон зардобидаги ферритин миқдорининг кўрсаткичларини натижалари таҳлили ўрганилганда биз қон зардобидаги ферритин миқдорини организмдаги метаболик фаоллик билан боғлиқлигини хорижий муаллифлар томонидан таъкидланган хулосалар билан мувофиқ равишда тесқари корреляцион боғлиқлигини кўрдик.

«МС да кузатиладиган неврологик ўзгаришларни қиёсий даволаш таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида семизлик аниқланган 90 нафар беморни даволашда этилметилгидроксипиридина сукцинат-мексиприм, Темир (III) гидроксид полимальтозат (Ferric (III) hydroxide polymaltosate 400 мг Феррумлек ва транскраниал магнит стимуляция комплекс давоси самарадорлигига бағишланди.

5-жадвал

Гуруҳларо ферритин миқдорининг солиштирма таҳлили

Ферритин кўрсаткичлар (45-120 мкмоль/л)	Гуруҳлар				
	АГ(n=140)			НГ (n=40)	
	МС, n=21	МХ, n=33	МН, n=86		
Ферритин	25,2±4,84	37,5±8,96	56,8±6,12	81,4	

Изоҳ: * - иккала гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

«МС да кузатиладиган неврологик ўзгаришларни қиёсий даволаш таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида семизлик аниқланган 90 нафар беморни даволашда этилметилгидроксипиридина сукцинат-мексиприм, темир (III) гидроксид полимальтозат (Ferric (III) hydroxide polymaltosate 400 мг) Феррумлек ва транскраниал магнит стимуляция комплекс давоси самарадорлигига бағишланди.

Беморлар 2 гуруҳга бўлинган: А гуруҳига эндокринолог томонидан буюрилган одатий асосий терапияга қўшимча Мексиприм, Феррум лек ва ТкМС қабул қилган 45 нафар ўсмирлар киритилган. Б гуруҳига базис даволаш усулини қабул қилган 45 бемор бириктирилган. Ўтказилган даво тадбирларидан сўнг биз иккала гуруҳларда вегетатив нерв тизимини баҳолаш мақсадида Вейн сўровномаси ёрдамида дастлабки вегетатив ҳолатнинг давогача ва даводан кейинги солиштирма таҳлили ўтказилган.

Вегетатив тизимни давогача ва даводан сўнгги солиштирма таҳлилинини ўтказилиш натижаларига кўра асосий гуруҳда нормостеник вегетатив ҳолатлар сони кўпайиши ҳисобига асосий гуруҳда симпатикотония ҳолатларининг сони даводан кейин етти баробар камайди (6-жадвал).

6-жадвал

Гуруҳларо давогача ва даводан кейинги олинган дастлабки вегетатив ҳолатларни солиштирма таҳлили

Вейн сўровномаси	А гуруҳ (n=45)		В гуруҳи (n=45)	
	Давогача	Даводан сўнг	Давогача	Даводан сўнг
Нормостения	7 (15,55%)	37 (82,22%)	5(11,11%)	13 (28,89%)
Симпатикотония	35 (77,78%)	5(11,11%)	37 (82,22%)	29 (64,44%)
Ваготония	3 (6,67%)	3 (8,89%)	3(6,67%)	3 (6,67%)

Изоҳ: * - иккала гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Нейрофизиологик текширув натижаларини ҳам давогача ва даводан кейинги гуруҳлараро солиштирма таҳлили ўтказилди ва кўйидаги натижаларга эришилди. ЭЭГ тўлқинлари кўрсаткичларининг ўзгариши таҳлил қилинганда, даволаш тугагандан сўнг пўстлоғдаги асосий альфа ритмнинг ифодаланиш даражаси меъёрлашди. Энг аниқ самарадорлик А гуруҳда кузатилган. Худди шундай Шульте синамасини бажарилишини давогача ва даводан сўнгги солиштирма таҳлилинини ўтказиб, олинган натижалар таҳлиliga кўра А гуруҳ ўсмирларида вазифани бажарилиш вақти, йўл қўйилган кўпол ва кўпол бўлмаган хатоликлар сонларини камайиши керакли ижобий натижа берган. В гуруҳида олинган натижаларга кўра деярли кўрсаткичлар ўзгармаган.

7-жадвал

Гуруҳлараро давогача ва даводан кейинги олинган Шульте синамаси натижаларини солиштирма таҳлили

Шульте синамаси	А гуруҳ (n= 45)		В гуруҳи (n=45)	
	Давогача	Даводан сўнг	Давогача	Даводан сўнг
Бажарилиш вақти (секунд)	74,76	55	72,82	69,47
Кўпол (санокдаги) хато (сон)	11	3	12	9
Кўпол бўлмаган (рангдаги) хато (сон)	15	2	14	10

Изоҳ: * - иккала гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Ўтказилган темир препаратлари терапиясидан кейин биз ўсмирларда қон зардобидаги ферритин миқдорининг натижаларини солиштирма таҳлили гуруҳлараро ўтказилган.

8-жадвал

Гуруҳлараро давогача ва даводан кейинги олинган ферритин натижаларини солиштирма таҳлили

Ферритин кўрсаткичи	А гуруҳ (n=45)	Б гуруҳи (n=45)
---------------------	-----------------	------------------

	Давогача	Даводан сўнг	Давогача	Даводан сўнг
Ферритин (45 120 мкмоль/л)	~ 41,2	~ 74,3	~ 43,1	~ 45,3

Изоҳ: * - иккала гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Динамикада А гуруҳи беморларини даволашда клиник неврологик, вегетатив, ҳамда лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгаришларидан кўйидаги натижалар олинган: 5,7% беморларда ахволини сезиларли яхшиланиши, 14,3% ахволини яхшиланиши, 8,6% сезиларсиз яхшиланиши, 71,4% ҳеч қандай ўзгаришларсиз ҳолат қайд этилган; 3 ойдан сўнг 48,6% ахволининг сезиларли яхшиланиши, 28,6% ахволини яхшиланиши, 20,0% сезиларсиз яхшиланиши, 2,9% ҳеч қандай ўзгаришларни бўлмаслиги аниқланган.

Динамикада Б гуруҳи ўсмирларида кўйидаги натижалар олинди: 3 ойдан кейин ҳеч бир беморда сезиларли яхшиланиш қайд этилмаган – 0,0%, 10,0% яхшиланиш, 3,3% сезиларсиз яхшиланиш, 86,7% ўзгаришларсиз ҳолат қайд этилган; 6 ойдан сўнг – 23,3% сезиларли яхшиланиш, 23,3% яхшиланиш, 40,0% сезиларсиз яхшиланиш, 13,3% ўзгаришларсиз ҳолат кузатилган.


Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Мексиприм, Феррум лек ва ТкМС даво комплексидан фойдаланиш билан беморларни даволашдаги ижобий натижаларининг таҳлили 1 ой ўтгач 33,3% беморда, 3 ойдан кейин 97,1% беморда ижобий натижалар олинганини кўрсатган.

Фақат асосий терапия қабул қилинган Б гуруҳи беморларида ижобий натижа 3 ойлик кузатув охирида фақат 53,3% беморда кузатилди.

Тавсия этилган даволаш усулининг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир бемор учун даволашнинг амбулатор босқичида қабул қилинадиган дори воситалари миқдорининг камайтирилганлигидан ўртача 200000 сўмни ташкил қилди, анъанавий даволаш усули сингари бўлганида ҳаражат ўртача 325000 сўмни ташкил қилган бўлар эди, бу 1,4 марта кўплигини кўрсатади.

Шундай қилиб, дори воситалари билан даволаш усули қўлланишининг қиёсий самарадорлигидан олинган натижалар даволаш усуллари таллашда мураккаб психофармакологик муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Семизлик аниқланган ўсмирлардаги клиник неврологик ўзгаришларнинг ташҳислаш ва даволаш алгоритми



ХУЛОСАЛАР

«Ўсмирларда метаболик синдромдаги клиник - неврологик ва вегетатив ўзгаришлари» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Метаболик ўзгаришлар ўсмирлик давридан оқ шаклланиб, метаболик ўзгаришларга олиб келувчи хавф омилларидан ота-оналарида семизлик омилини учраши кўриб чиқилганда фақат онасида семизлик 45,71% билан устунлик қилиб, асосий омил сифатида қаралишини аниқладик. Семизликда аниқ учоқли неврологик ўзгаришлар хос бўлмасда, аниқланган неврологик тарқоқ микросимптоматикани айниқса метаболик актив турида метаболик ноактив турига қараганда 5-6 маротаба кўпроқ учрашини кузатдик. Ўсмирларда метаболик синдромдаги вегетатив нерв тизимининг дастлабки вегетатив ҳолати баҳоланилганда 73,57% симпатикотония аниқланиб, вегетатив реактивликнинг 70,71% тескари таъсирчанлик жавоб реакцияси ҳам симпатик нерв тизими устунлигини яна бир маротаба тасдиқлаб, ушбу олинган натижалар метаболик ўзгаришларда организмнинг мослашув-компенсатор механизмларини зўриққанлигини таъкидлайди.

2. Метаболик ўзгариши бор ўсмирларда ақлий фаолиятнинг бузилишлари диққат турғунлиги пасайиши билан ифодаланди. Ўтказилган синамалар бажарилиш вақтини узайиши ~ 74,76 сония, йўл қўйилган қупол ~11 та ва қупол бўлмаган хатоликлар ~ 14 та аниқланиб, тана оғирлиги меъёрда бўлган ўсмирлардан 2 баробар, йўл қўйилган хатоликлар сони эса 3-4 маротаба кўп кузатилиб, диққат турғунлигининг етарли даражада пасайганлиги ўтказилган электроэнцефалографияда тўлқинларнинг десинхронизацияси 78 (55,71%) пўстлоқдаги қўзғалиш жараёни билан намоён бўлди.

3. Ўтказилган ультратовушли доплерография натижасида қон томир резистентлиги Линдегард индекси R_i метаболик фаол гуруҳда 0,49, нофаол гуруҳда 0,51 ўзгаришлари соғлом ўсмирлар гуруҳидаги 0,53 билан солиштирилганда бир оз пасайганлиги айниқса, чап ўрта мия артериясида ифодаланган бўлиб, ушбу қон томирлар тизимининг зўриққанлигини тасдиқлади. Бундай ўсмирларда электроэнцефалография ва ультратовушли доплерография текширувларини ўтказиш семизликда ривожланадиган патологик ўзгаришларни комплекс ташҳислаш мезонларига киритилиши шарт.

4. Қон зардобиддаги ферритин миқдорини метаболик ўзгаришлар ифодаланганлиги метаболик синдром гуруҳда ~25,2 мкмоль/л, метаболик хавф гуруҳида ~37,5 мкмоль/л ва метаболик нофаол гуруҳида ~56,8 мкмоль/л, аниқлаб, метаболик ўзгаришлар ва қон зардобиддаги ферритин миқдори ўртасида нотўғри корреляцион боғлиқликни аниқлаб, ферритин миқдорининг пасайиши метаболик ўзгаришлардаги когнитив бузилишларни янада чуқурлашишига олиб келувчи омил бўлиб, когнитив ўзгаришларни

коррекциялашда ушбу кўрсаткич етишмовчилигини бартараф этилиши аҳамиятлидир.

5. Нейротроп этилметилгидроксипиридина сукцинат (мексиприм), темир (III) гидроксид полимальтозат (феррумлек) ва магнитстимуляция комплекс терапияси метаболик синдром аниқланган ўсмирларда мослашув-компенсатор имкониятлар ва диққат турғунлигини ҳолатини меъёрлаштиришда биргаликда қўлланилиши патогенетик асосланганлиди. Тадқиқот давомида олинган натижалар метаболик ўзгаришлардаги неврологик ва когнитив ўзгаришларни ташҳислаш алгоритмини ишлаб чиқиш имконини берди. Ушбу алгоритм ўсмирларда метаболик ўзгаришларнинг клиник неврологик ва вегетатив ўзгаришларини ўз вақтида аниқланиши ва унинг асоратларини олдини олишда қўллаш мумкинлигини назарда тутилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ИСАНОВА ШОИРА ТУЛКИНОВНА

**КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ И ВЕГЕТАТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ
У ПОДРОСТКОВ С МЕТАБОЛИЧЕСКИМ СИНДРОМОМ**

14.00.13. – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.1.PhD/Tib1045

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаева Наргиза Нурмамаевна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Туруспекова Сауле Глеубергеновна**
доктор медицинских наук, профессор
Хайдарова Дилдора Кадировна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, проспект Алишера Навои, 11. Тел.: (395) 223-00-50; факс: (365) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru, Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирована за №___). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект Алишера Навои, 11. Тел.: (395) 223-00-50; факс: (365) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2021 года)

Д.Т. Ходжиева

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

С.С. Пулатов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, доцент

Г.А. Ихтиярова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире, среди взрослого населения избыточный вес составляет у более 1,9 миллиарда людей, из них ожирение отмечено у 650 млн. По данным Всемирной Организации Здравоохранения, «у 340 млн. детей в возрасте от 5 до 19 лет наблюдается избыточная масса тела, при этом доля девочек составляет 18%, а мальчиков - 19%»¹. В Европе 20% детей и подростков имеют избыточный вес, в то время как треть из них страдают тяжёлым ожирением, согласно полученным данным, 30-50% сохраняют избыточный вес даже когда взрослеют. До сих пор выявление причин и последствий развития психических изменений при метаболическом синдроме, профилактика мнестико-интеллектуальных нарушений, а также применение патогенетически обоснованных методов в лечении относятся к числу спорных тем, указывающих на необходимость своевременного выявления заболевания и своевременного проведения адекватных лечебных мероприятий, ранней диагностики.

На сегодняшний день изучение механизмов развития метаболического синдрома, особенностей метаболизма железа, представляет особый интерес в современной медицине во всем мире. Не принято считать совпадением, что у одного и того же пациента возникают одновременно два типа заболеваний, а именно ожирение и анемия. Установлено, что метаболизм сывороточного железа обратно пропорционален снижению содержания ферритина с увеличением концентрации параметров липидного спектра, и было показано, что снижение ферритина считается неблагоприятным прогностическим фактором повреждения нервной системы у детей. Связь дефицита железа с ожирением полностью не изучена, при этом исследования сосредоточены на развитии, ранней диагностике и профилактике психических расстройств при метаболическом синдроме, а также на раннем обнаружении и анализе нарушений углеводного обмена у подростков.

Как известно, при метаболическом синдроме основным органом мишенью является мозг. Однако на сегодняшний день использование патогенетических методов в диагностике, профилактике и лечении мнестико-интеллектуальных расстройств, причина и последствие развития когнитивных расстройств при метаболическом синдроме (МС) остаются одной из спорных тем.

Изучение связи между развитием метаболического синдрома и в частности, с обменом железа, вызывает особый интерес в современной медицине. Два разных одновременно, ожирение и анемия у одного пациента, не считается случайным состоянием. Показатель обмена железа в сыворотке крови определяется неправильными корреляциями с увеличением количества ферритина в сыворотке крови, и показано, что снижение показателя ферритина расценивается как плохой прогностический показатель поражения

¹ ВОЗ – Всемирная организация здравоохранения, 2018

нервной системы у ребенка. Дефицит железа, его связь с ожирением, частота развития психических расстройств в случае метаболического синдрома, изучение возможных истоков, ранняя диагностика и профилактика является одной из актуальных проблем современной медицины. Научные исследования, направленные на анализ и выявление неврологических нарушений с патологией углеводного обмена у подростков.

